

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.11187621>

ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИДА СЎЗ ҚЎШИШ УСУЛИНИНГ КОПУЛЯТИВ МОДЕЛИ

Хашимова Сабоҳат Абдуллаевна,
Тошкент давлат шарқшунослик институти,
Хитой тили ва адабиёти кафедраси профессор,
филология фанлари доктори,
e-mail: sabohat15@mail.ru, тел.: +998977105033

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола ҳозирги хитой тилида сўзларнинг сўз қўшиши усулининг копулятив моделини кўриб чиқишга бағишланган. Бунда мазкур модель асосида ҳозирги хитой тилининг турли сўз туркумига оид бўлган сўзларнинг ясаши хусусиятлари, ўзига хос конструкциялари таҳлил қилинган. Мақола мавзусини таҳлили жараёнида анализ, синтез, компонент таҳлил каби усулларидан фойдаланилган. Таҳлил натижасида тегишли хулосалар берилган.

Калит сўзлар: копулятив модель, морфема, компонент, семантика, коррелятив, конвергент сўз.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена копулятивной модели словообразования в современном китайском языке. В статье рассмотрены особенности образования слов согласно данной модели, относящиеся к различным частям речи в современном китайском языке, а также соответствующие данной модели конструкции. При исследовании были использованы такие методы как анализ, синтез, компонентный анализ. В статье предоставлены соответствующие выводы по данной теме.

Ключевые слова: морфема, компонент, конвергентное слово, коррелятив, копулятивная модель, семантика.

ANNOTATION

This article is devoted to the copulative model of word formation in modern Chinese language. The article discusses the features of the formation of words and word constructions, formed according to this model. In the study methods such as analysis, synthesis, and component analysis were used. The article provides relevant conclusions on this topic.

Key words: morpheme, component, convergent word, correlative, copulative model, semantics.

Хитой тилида сўзларни кўшишнинг копулятив модели бир нечта номланишларга эга: 并立式binglishi – жуфт модель, 并列式binglieshi – боғловчи модель, 连合式lianheshi – бириктирувчи модель. 并立式binglishi (жуфт модель) термини Лу Чживэйнинг 1957 йилда нашр этилган асарида қўлланган. Китобнинг кейинги нашрида Лу Чживэй бу терминни 并列式binglieshi га алмаштирди. Ушбу термин сўз кўшишнинг мазкур модели учун Гао Минкай [1], Жэнь Сюэлян [2], Сунь Чансюй [3] ва бошқаларнинг асарларида ҳам қўлланган. Чжан Шоукан [4], Чжан Чжигун [5], Ли Цзиньси [6] ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқиладиган модель 连合式 lianheshi деб аталади.

И.Ошанин [7], В.Солнцев [8], Н.Коротков [9] ва бошқаларнинг ишларида у боғловчи ёки копулятив модель номини олган. Ушбу модель бўйича ясалган сўз компонентлари тенг боғланган муносабатда бўлади. А.Семеновнинг ёзишича, “копулятив кўшиш деганда, функционал-синтаксик ва семантик тенг боғланган морфемаларнинг кўшилиши тушунилиб, уларнинг йиғиндиси яхлит маънони англатади” [10, 176]. Хуан Юэчжоунинг таъкидлашича, мазкур модель замонавий хитой тилида энг самаралилардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу моделни таҳлил қилишда, авваламбор, мураккаб сўзга бирикаётган негизларнинг маъносига эътибор қаратилади. Хусусан, Жэнь Сюэлян боғловчи модель бўйича ясалган сўзларни кўриб чиқиб, кўшиладиган сўзларнинг моҳияти турига қараб, уларни беш гуруҳга ажратади: 1) маъно жиҳатидан бир-бирига яқин, синонимик сўзларни кўшиш; 2) антонимик сўзларни кўшиш; 3) коррелятив сўзларни кўшиш; 4) маъноси бир-биридан йироқ бўлган сўзларни кўшиш; 5) кўшилганда бири ўз маъносини йўқотадиган иккита негизни кўшиш [2, 165].

Юқорида айтиб ўтилган гуруҳларни кўриб чиқамиз. 1. Маъноси бир-бирига яқин бўлган, синонимик сўзларни кўшиш. Боғловчи модель бўйича ясалган сўзларнинг мазкур гуруҳини, ушбу моделни таърифловчи деярли барча лингвистлар, жумладан, Ма Цзянчжун ҳам ажратади. Тенг боғланган синонимик негизларни кўшиш йўли билан замонавий хитой тилининг турли сўз туркумлари ҳосил қилинади. Масалан, от сўз туркумига оид сўзларда: 语言yuayan – тил (тил, нутқ + тил, нутқ), 朋友pengyou – дўстлар, дўст (дўст, биродар + дўст), 道路daolu – йўл (йўл + йўл), 文字wenzì – хат (ёзув + иероглиф).

Феъл сўз туркумига оид сўзларда ҳам тенг боғланган синонимик негизларни кўшиш йўли сўзлар ҳосил бўлади: 生产shengchan – ишлаб чиқармоқ (туғмоқ, ишлаб чиқармоқ + ишлаб чиқармоқ), 答应daying – жавоб бермоқ, товуш чиқармоқ (жавоб бермоқ + жавоб бермоқ), 答复dafu – жавоб бермоқ (жавоб бермоқ + жавоб бермоқ).

Боғловчи модель бўйича синонимик негизлардан ясалган феълларнинг катта қисми от сўз туркумига оид сўзлар қаторига ҳам киради. Буни турли хил тилшунос олимлар ўз илмий ишларида кўрсатадилар. Масалан: 斗争douzheng – курашмоқ → кураш, 考试kaoshi – имтиҳон топширмақ → имтиҳон, 讨论taolun – муҳокама қилмоқ, мунозара юритмоқ → мунозара, муҳокама, 砥砺dili – ишлаб чиқмоқ → иш, махсулот. Бу модель бўйича модал феъллар ҳам ясалади: 应该yinggai – керак, лозим (керак + лозим), 可能keneng – мумкин, эҳтимол (мумкин + қила олиш), 应当yingdang – керак, шундай бўлиши керак (керак + лозим).

Сифатлар: 伟大weida – улкан, маҳобатли (улкан + катта), 快乐kuaile – хурсанд, шод (шод + хурсанд), 孤独gudu – ёлғиз (ёлғиз + ягона), 灿烂canlan – ёрқин (ёрқин + ёрқин, ярқираган), 美丽meili – чиройли (чиройли + чиройли, гўзал), 广大guangda – кенг (кенг + катта), 艰难jiannan – қийин, оғир (қийин, оғир + қийин, оғир), 勇猛yongmeng – жасур, дадил (жасур + мард). Синонимик сифатидаги негизлардан иборат бўлган, боғловчи модель бўйича ясалган сифатларнинг катта қисми ҳам от сўз туркумига оид бўлади: 残忍canren – шавқатсиз → шавқатсизлик, 富饶furaо – бой, сероб → бойлик, серобчилик.

Равишлар: 稍微shaowei – кўп эмас, оз (кўп эмас + оз), 宁可ningke – яхшироқ (яхшироқ, авзалроқ + майли, бўлаверади), 总共zonggong – ҳаммаси, жами (умуман + ҳаммаси). Бу модель бўйича сўз туркумларининг айрим икки бўғинли хизматчи (ёрдамчи) сўзлари, хусусан, боғловчилар ва олд кўмакчилар ҳам ясалади: 自从zicong – шундан бери, 按照anzhao – мувофиқ (мувофиқ + мос равишда), 假设jiashe – агар, бўлганда эди (агар тахмин қилсак + агар бўлганда эди).

Хитойлик тилшуносларнинг таъкидлашича, айрим холларда боғловчи модель бўйича иккита синонимик негиздан ясалган сўзлардаги компонентлардан бири фақат морфемалар даражасида мавжуд бўлади ва фақат сўз ясовчи вазифани бажаради. Қадимий хитой тилида бу компонентлар бир бўғинли мустақил сўзлар бўлган. Чжан Шоукан: “Тилнинг ривожланиш жараёнида улардан кўплари ўз мустақиллигини йўқотди ва замонавий хитой тилида сўз ясовчи морфемаларга айланди” [2, 165] – деб таъкидлайди. Бундай морфемаларга қуйидагилар киради: 民min – халқ, 人民renmin – халқ, миллат, 微小weixiao – арзимас, энг кичик сўзидаги 微wei – митти, 询问xunwen – сўрамоқ, мурожаат этмоқ сўзидаги 询xun – маслаҳатлашмоқ, 菲薄feibo – камтарин, озгина сўзидаги 菲fei – бечора, арзимас, 给予jiyu – бермоқ, кўрсатмоқ сўзидаги 予yu – бермоқ, тақдим этмоқ.

2. Антонимик сўзларни кўшиш.

Антонимик негизлар асосида боғловчи модель бўйича сўзларни яшаш хитой тили бўйича илк ишлардаёқ кўрилган. Хусусан, 1898 йилда Ма Цзяньчжуннинг машҳур, 马氏文通Mashi wentong “Грамматикаси”да нашр этилган ушбу сўзлар 两字对待liang ziduidai иккита қарама-қарши морфемали сўзлар деб аталади. Антонимик негизларнинг боғловчи модели бўйича кўшилиши турли сўз туркумларининг, одатда мустақил маъноли сўзларнинг ясалишига олиб келади. Масалан: 大小daxiao – ўлчам (катта + кичик), 长短changduan – узунлик (узун + қисқа), 天地tiandi – соҳа, олам (осмон + ер), 出入churu – ажралмоқ, фарқ қилмоқ (чикмоқ + кирмоқ).

Феъллар: 呼吸huxi – нафас олмоқ (нафас чиқармоқ + нафас олмоқ), 来往laiwang – муомала қилмоқ (келмоқ + жўнамоқ), 起伏qifu – шовулламоқ, кўтарилмоқ ва пасаймоқ (кўтарилмоқ + пасаймоқ), 操纵caozong – бошқармоқ (олмоқ, ушламоқ + кўйиб юбормоқ, озод этмоқ). Шунинг эслатиб ўтиш керакки, антонимик негизлардан боғловчи модель бўйича ясалган феъллар от сўз туркумига ҳам оди бўлади. Масалан: 来往laiwang – алоқа қилиш → алоқа, 呼吸huxi – нафас олмоқ → нафас.

Рабиш: 早晚zaowan – эрта ёки кеч (эрта + кеч), 先后xianhou – навбатма-навбат (олдин-кейин), 始终shizhong – ҳар доим (боши + охири), 反正fanzheng – барибир (аксинча, тескари + аниқ, худди шу), 左右zuoyou – тахминан (чап + ўнг), 前后qianhou – яқин, тахминан (олд + орқа).

Жэнь Сюэлян антонимик негизлардан боғловчи модель бўйича шунингдек сифатлар ҳам ясалиши мумкин, деб ҳисоблайди. Бироқ монографияда мисол тариқасида у келтирган сўзлар аслида сифат бўлиб ҳисобланмайди, бу 现代汉语词典Xiandai hanyu cidian луғатда қайд этилган. Масалан: 快慢kuaiman速度 –这条轮船的快慢怎么样? – Бу кеманинг тезлиги қандай? Луғатда келтирилган мисоллар ва сўзга берилган изоҳ 快慢kuaiman – тезлик – от эканлигидан далолат беради.

А.Л.Семеновнинг таъкидлашича, “антонимик компонентларнинг ўзига хослиги комплексда қайта англашга ва идиоматик қўлланишга қодирлигидадир” [11, 107]. Масалан: 消xiao – ғойиб бўлмоқ + 息xi – пайдо бўлмоқ → 消息xiaoxi – янгиликлар; 甘gan – ширин + 苦ku – аччиқ → 甘苦ganku – ташвишлар, қийинчиликлар.

3. Коррелятив (муносабатдош) негизларни кўшиш.

Замонавий хитой тилида коррелятив компонентлардан боғловчи модель бўйича ясалган мураккаб сўзлар турли сўз туркумларига мансуб бўлиши мумкин.

Отлар: 领袖lingxiu – дохий, етакчи (ёқа + енг), 眉目meimu – юз тузилиши, чеҳра (қош-кўз), 口齿kouchi – талаффуз (оғиз + тиш), 背心beixin – нимча (орқа + юрак).

Феъллар: 交代jiaodai – топширмақ (бермоқ + алмаштирмақ), 描绘miaohui – чизмоқ, тасвирламоқ (нусха олмоқ + расм чизмоқ, чизма чизмоқ), 招呼zhaohu – чақирмоқ (имламоқ + бақирмоқ), 招待zhaodai – қабул қилмоқ (имламоқ + жойлашмоқ).

Боғловчи модель бўйича муносабатдош негизлардан ясалган янги сўзларнинг мазмуни кўпинча ўзгаради ва бу сўзларни ташкил этган негизларнинг мазмунидан фарқ қилади. Масалан: 骨gu – суюк + 肉rou – гўшт → 骨肉gurou – қариндошчилик, 口kou – оғиз + 舌she – тил → 口舌koushe – англашилмовчилик.

4. Мазмунлари йироқ бўлган негизларни кўшиш.

Мазмунлари йироқ бўлган негизларни боғловчи модель бўйича кўшишда, кўп ҳолларда, иккита негизнинг мазмунини сақлаб қолувчи сўзлар ҳам ҳосил бўлади. Ушбу гуруҳдаги сўзларнинг ўзига хослиги ана шунда.

Феъллар: 保养baoyang – эҳтиёт қилмоқ, ғамхўрлик қилмоқ (таъминламоқ + овқатлантирмақ), 爱惜aixi – эҳтиёт қилмоқ, қадрига етмоқ (яхши кўрмоқ + эҳтиёт қилмоқ, аямоқ), 夸耀kuayao – мақтанмоқ (бўрттирмақ + ярқирамоқ, ёритмоқ).

Сифатлар: 简明jianming – аниқ, қисқа (соғда + аниқ), 卑微beiwei – аҳамиятсиз, оз, паст (пасткаш, тубан + аҳамиятсиз, кичик), 辽阔liaokuo – кенг, бепоён (олис + бепоён).

Отлар: 薄脆baocui – қирсиллайдиган нон (юпқа + қирсиллайдиган), 纲领gangling – дастур, платформа (асосий звено+бўйин) [12, 223].

5. Бирининг мазмунини ўзлаштириш билан икки негизни кўшиш

Бундай сўзларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, негизлардан бири мураккаб сўз таркибида ўзининг бошланғич мазмунини йўқотади, яъни десемантизацияланади. Бундай сўзлар хитойлик лингвистларнинг ишларида турлича белгиланади: 偏义词pianyici – айнан тўлиқ маънога эга бўлмаган сўз ёки 并合语bingheyu – конвергент сўзлар. Ўз маъносини йўқотувчи негиз сўз ясашда иккинчи даражали аҳамиятга эга, аммо бу негизсиз сўз мавжуд бўлмайди. Негизлардан бирининг десемантизацияланиши, мураккаб сўзни ҳосил қилувчи негизлар синонимик ёки корреляцион бўлган ҳолда ва улар антонимик бўлган

ҳолда ҳам ясаши мумкин. Масалан: 人物renwu – инсон, фигура, шахс (инсон + буюм), 国家guojia – давлат, мамлакат → мамлакат + оила, 窗户chuanghu – дераза → дераза + эшик, 质量zhiliang – сифат → сифат + миқдор, 狐狸huli – тулки → тулки + енотсимон ит, 好歹haodai – бахтсизлик, ёмон → яхши + ёмон. Бундай сўзларнинг ҳам биринчи, ҳам иккинчи компонентлари десемантизацияланиши мумкин. Масалан: 忘记wangji – унутмоқ → унутмоқ + эслаб қолмоқ, 面目mianmu – юз → юз + кўз.

Юқорида келтирилган мисолларда иккинчи компонент десемантизациялашган. Қуйидаги мисолларда десемантизация биринчи компонентда содир бўлган: 干净ganjing – тоза → қуруқ + тоза, 热闹renao – шовқинли, жонланган → иссиқ + шовқинли, 仔细zixi – пухта, эътиборли → зич + пухта.

Боғловчи модель бўйича ясалган сўзларнинг моҳиятини кўриб чиқиб Люй Шусян шуни таъкидлайдики, улар орасида шундай сўзлар борки, уларнинг негизи турли мазмунга эга. Қўшишдан ҳосил бўлган сўз уларнинг биттасининг маъносига тенг бўлмасдан, иккаласининг маъносига эга. Масалан: 诊疗zhenliao – диагностика ва даволаш – иккала сўзнинг маъносидан ташкил топган, 诊zhen – диагностикалаш ва 疗liao – даволаш. Аммо боғловчи модель бўйича, моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин ёки ўхшаш бўлган, синонимик негизлар кўшилганда, сўз ҳосил бўлганда семантик ўзгаришлар содир бўлмайди, негизларнинг кўшилиши полисиллабизмни ҳосил қилиш мақсадида содир бўлади. Масалан: 身体shenti – тана – сўзи мазмуни жиҳатидан тенг бўлган 身shen – тана ва 体ti – жусса негизлардан ташкил топган. Мураккаб 身体shenti сўзнинг мазмуни уни ташкил қилган негизларнинг мазмуни билан бир хил. Қуйидаги сўзларда ҳам шундай ҳолат кузатилади: 皮肤pifu – тери (тери + тери), 年龄nianling – ёш (йил, ёш + ёш), 背脊beiji – орқа, курак (орқа + орқа), 购买goumai – сотиб олмоқ (сотиб олмоқ + сотиб олмоқ), 简骨jiangu – пухта, мустаҳкам (қаттиқ + мустаҳкам), 刚才gangcai – ҳозиргина (ҳозиргина + фақат, ҳозиргина).

Копулятив модель бўйича ҳосил бўлган ва турли сўз туркумларига мансуб бўлган сўзларнинг таҳлилига ўтамиз.

Отлар: қуйида негизларнинг энг кўп учрайдиган нисбатларини келтирамиз. [名от + 名от] – 土地tudi – ер (ер + ер), [形сифат + 形сифат] – 远近yuanjin – масофа (йироқ + яқин), [动феъл + 动феъл] – 习惯xiguan – одат (шуғулланмоқ + кўникиб қолмоқ), [量санок сўз + 量санок сўз] – 条件tiaojian – шарт (узун предметлар учун санок сўз + ишлар учун санок сўз).

Лу Чживэей сўз ясашига бағишланган ўз ишида, копулятив моделда бошқа характердаги негизлар белгиланган мисоллар келтиради. Масалан: [名 от + 名 от], [名 от + 动 феъл], [形 сифат + 名 от], [动 феъл + 名 от].

Феъллар: боғловчи модель бўйича ясалган отлар каби феъллар ҳам сифати жихатидан бир хил бўлган иккита негиздан ташкил топади: [动 феъл + 动 феъл] – 依靠 yikaо – таянмоқ, ишонмоқ (таянмоқ + таянмоқ), [形 сифат + 形 сифат] – 短少 duanshao – етишмаслик, етишмовчиликни хис этиш (қиска + ёш, кичик), [名 от + 名 от] – 牺牲 xisheng – қурбон қилмоқ, ўзини қурбон қилмоқ (қурбонлик жонзод + қурбонлик жонзод).

Сифатлар: боғловчи модель бўйича ясалган сифатларнинг кўпчилиги иккита сифатли негиздан иборат, бироқ отли ва феълли негизлардан ясалган сифатларга ҳам бир нечта мисоллар бор: [形 сифат + 形 сифат] – 伟大 weida – буюк, маҳобатли (буюк + катта), [动 феъл + 动 феъл] – 发达 fada – ривожланган (бермоқ + эришмоқ), [名 от + 名 от] – 狼狈 langbei – ваҳимали (бўри + бўрига ўхшаш афсонавий ҳайвон) .

Равиш: боғловчи модель бўйича ясалган равишлар, одатда, иккита равишли ёки сифатли негиздан иборат бўлади. Иккита феълли ёки отли негиздан ташкил топган равишлар кўп эмас: [副 равиш + 副 равиш] – 刚才 gangcai – ҳозиргина, эндигина (ҳозиргина + фақат), [形 сифат + 形 сифат] – 贵贱 guijian – барибир, нима бўлганда ҳам (қиммат + арзон), [动 феъл + 动 феъл] – 始终 shizhong – ҳар доим, ҳар вақт (бошламоқ + тугатмоқ), [名 от + 名 от] – 日夜 riye – сутка давомида (кун + тун).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкин-ки, кўп ҳолларда, боғловчи модель бўйича ясалган сўзларнинг категорияларга мансублиги негизларнинг тавсифи, шунингдек, уларнинг семантик аниқланганлигига (мазмунларининг синонимлиги, антонимлиги, коррелятивлигига) боғлиқ. Хитойли лингвистлар, боғловчи модель бўйича ясалган сўзлар, одатда, икки бўғинли бўлади, деб таъкидлайдилар. Бундай хулосани шунингдек, луғат маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Бироқ хитой тилида копулятив модель бўйича ясалган мураккаброқ тузилмалар ҳам мавжуд. Бу тенгхуқуқли элементлардан ташкил топган мураккаб қисқартирилган сўзлар деб айтиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bakhronova, Dilrabo, et al. "Peculiarities of intercultural competence in teaching foreign languages." *Religación: Revista de Ciencias Sociales y Humanidades* 4.18 (2019): 221-224.
2. Хашимова, Сабохат. "О ЯВЛЕНИИ КОНВЕРСИИ В СОВРЕМЕННОМ КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2.Special Issue 20 (2022): 87-94.
3. Хашимова, Сабохат Абдуллаевна. "теоретические вопросы словообразования в современном китайском языке." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 1.Special Issue 1 (2021): 268-285.
4. Khashimova, Sh K. "THE TEACHING OF LITERARY DISCIPLINES IS THE MAIN FACTOR AFFECTING EDUCATION." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2.6 (2022): 313-316.
5. Hashimova, Sabohat Abdullaевна. "Peculiarities of Making Nouns Using Suffixes in Chinese (On the Example of Suffixes 家 “Jia” and 者 “Zhe”)." *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding* 8.8 (2021): 367-370.
6. Хашимова, Сабохат Абдуллаевна. "ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИ СИФАТЛАРДА КОНВЕРСИЯ ҲОДИСАСИ." *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА* 3.2 (2020).
7. Хашимова, С. А. "Хрзирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия." *Т.: Ёш куч* 320 (2020).
8. Nasirova, Saodat Abdullaевна. "Лексико-Семантический Анализ Общественно–Политических Терминов Древнего Китайского Языка: Система Кадровых Ресурсов." *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities* 17 (2023): 20-30.
9. Nasirova, Saodat. "ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО В СИСТЕМЕ ОХРАНЫ ТРУДА ЖЕНЩИН (НА ПРИМЕРЕ АНАЛИЗА ОПЫТА КИТАЯ В ВОПРОСЕ РЕПРОДУКТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ)." *Oriental Conferences*. Vol. 1. No. 1. ООО «SupportScience», 2023.
10. Nasirova, Saodat A. "POLITICAL INSTITUTIONALIZATION OF ANCIENT CHINA: HISTORICAL ANALYSIS OF THE TERMS OF THE LOCAL POLITICAL SYSTEM OF ANCIENT CHINA." *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.08 (2022):

- 51-56.
11. Nasirova, S. A. "Religious affairs management system in ancient China (linguistic analysis in Diachronic aspect)." *Builders Of The Future* 2.02 (2022): 288-297.
 12. Abdullayevna, Nasirova Saodat. "上合组织国家的科学研究: 协同和一体化." *上合组织国家的科学研究: 协同和一体化* 87.0.
 13. Ширинова, Наргиза, and Нилуфар Ширинова. "ПОВЫШЕНИЕ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ КУРСАНТОВ ЭКОНОМИЧЕСКОГО НАПРАВЛЕНИЯ НА УРОКАХ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА." *Gospodarka i Innowacje*. 24 (2022): 744-746.
 14. Tulkin, Saydaliev, Shirinova Nargiza, and Shirinova Nilufar. "ANALYSIS OF THE TRANSLATION OF ZAHIRIDDIN BABURS POEMS." *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* 3.02 (2022): 42-48.
 15. Shirinova, N. "ORGANIZATION OF THE ENGLISH TEACHING PROCESS." *Irrigatsiya va Melioratsiya* 2 (2018): 61-64.
 16. Shirinova, N. D. "Shirinova ND GRADUAL MORPHOLOGICAL DEMARCATION OF SUBSTANTIVE AND ATTRIBUTIVE MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES." (2022).
 17. Shirinova, Nargiza. "USING GAMES IN TEACHING ENGLISH VOCABULARY FOR STUDENTS OF ENGINEERING." *Irrigatsiya va Melioratsiya* 3 (2018): 89-92.
 18. Shirinova, Nilufar Djabbarovna, and Nargiza Djabbarovna LISONIY PARALLELIZM HODISASIGA Shirinova. "DOIR//ORIENSS. 2023.№ 1." URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/lisoniy-parallelizm-hodisasiga-doir> (дата обращения: 10.10. 2023).
 19. Shirinova, N., & English, A. N. L. L. (2016). for Agriculture. Study-book for the students of agriculture.
 20. Shirinova, N., and N. Abdullayeva. "English for You. Study-book for the intermediate students of irrigation and melioration." (2014).
 21. Shirinova, N. D. "Personal and Professional Upbringing of Learners by Specific Approach to the learning English." *Irrigatsiya va Melioratsiya* 2 (2017): 66-69.
 22. Ширинова, Наргиза. "ЎАРБИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУРСАНТЛАРИНИНГ БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА "ФАОЛЛИК" ТУШУНЧАСИ ТАЛҚИНИ." *MATERIALLARI TO'PLAMI* 330 (2023).
 23. Ширинова, Наргиза. "ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА КУРСАНТЛАРГА ЎҚИШНИ ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ." *TADQIQOTLAR* 26.1 (2023): 39-45.

24. Shirinova, Nargiza Djabbarovna. "INGLIZ TILI DARSLARIDA KURSANTLARGA LEKSIK MATERIALNI O'RGATISH USULLARI." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 4.1 (2024): 423-426.
25. Shirinova, Nilufar Djabbarovna, and Nargiza Djabbarovna Shirinova. "LISONIY PARALLELIZM HODISASIGA DOIR." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 3.1 (2023): 51-56.
26. Эгамбердиева, Г. М. "Своеобразие концовки в сказках и дастанах." *Интернет-пространство как вызов научному сообществу XXI века* 1 (2021): 113-116.
27. Менглиева, С. С. "Роль интерактивных методов при обучении военных терминов на уроках английского языка." *Science and Education* 4.2 (2023): 1353-1358.
28. Курбанбаев, Дауылбай Жайлаубаевич, and Маргарита Фаритовна Булычева. "К ВОПРОСУ О ЗАРУБЕЖНЫХ МАГНИТОМЕТРИЧЕСКИХ СРЕДСТВАХ ОБНАРУЖЕНИЯ." *Educational Research in Universal Sciences* 2.3 (2023): 507-529.
29. Булычёва, М. Ф. "ПАТРИОТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ–ВАЖНЕЙШАЯ СОСТАВЛЯЮЩАЯ ПРОЦЕССА ОБРАЗОВАНИЯ." *Innovative Development in Educational Activities* 3.7 (2024): 103-108.
30. Namozova, Dilnoza Berdimurotovna. "Development of phonetic competence." *Science and education* 3.9 (2022): 413-415.
31. Намозова, Дилноза Бердимуротовна. "Peculiarities of phonetic competence development in conditions of artificial multilingualism." *инновации в педагогике и психологии* 4.1 (2021).
32. Рашидова, Мунаввар Хайдаровна, and Дилноза Бердимуротовна Намозова. "коммуникативная компетенция в контексте обучения иностранным языкам." *tadqiqotlar* 26.1 (2023): 34-38.
33. Рашидова, Мунаввар Хайдаровна. "О некоторых аспектах коммуникативной компетенции." *ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 10-ҚИСМ*: 64.
34. Рашидова, Мунаввар Хайдаровна. "ИСТОРИЯ СКАФФОЛДИНГА И ТЕОРИЯ "ЗОНЫ БЛИЖАЙШЕГО РАЗВИТИЯ". " *Innovative Development in Educational Activities* 2.11 (2023): 487-491.
35. Rashidova, Munavvar Haydarovna, and Dilnoza Berdimurotovna Namozova. "ELLICITATION-AN EFFECTIVE TECHNIQUE OF TEACHING EFL." *Innovative Development in Educational Activities* 3.6 (2024): 202-207.